
ТУРКИЯ КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНАДА ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯ ДИАГНОСТИКАСИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов Туркиянинг Gazi Kimya laboratuvar sistemleri компанияси вакилларини қабул қилди.

Учрашувда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Gazi Kimya laboratuvar sistemleri компанияси ҳамкорлигида давлат-хусусий шериклик асосида Фарғона вилоятида лаборатория диагностикаси замонавий марказини ташкил этиш масаласи, шунингдек, тиббиёт соҳасида ҳамкорликда амалга ошириш истиқболи мавжуд бўлган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Биокимё, микробиология, гематология ҳамда қон таҳлили лабораториялари ташкил этишга ихтисослашган Туркиянинг энг олди компанияларининг расмий дистрибьютори сифатида фаолият олиб борувчи Gazi Kimya laboratuvar sistemleri компанияси ҳозирда Нукус ва Андижон шаҳарларида ҳам лаборатория диагностикаси марказлари ташкил этиш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Учрашувда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдуқанош Тўхтақулов ҳам иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-26 14:13:33